

ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

1990 йил 4 ноябрь

ЯҚШАНБА

№ 253 (5.046).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади

Душанбадан ташқари ҳар кун чиқади

Баҳоси 3 тийин

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ЖУМҲУРИЯТ АҲОЛИСИГА, ССЖИ ОЛИЙ КЕНГАШИГА МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз ватандошлар!
Муҳтарам оталар ва муътабар оналар!
Қадри аниқ-ақалар ва опа-сингиллар!
ССЖИ Олий Кенгашининг ҳурматли аъзолари!
Биз, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари сайлаган депутатлар тарихимизнинг оғир бурилиш дамида сизларга мурожаат қиламиз.

Ўзбеклар ва руслар, тожиклар ва белоруслар, қозоқлар ва украинлар, татарлар ва корейлар, қорақалпоқлар ва туркманлар ҳамда бошқа миллат вакиллари билан биргаликда депутатлар жумҳуриятдаги ҳаётимизда турмушнинг ва соғлом маънавий-руҳий вазиятини таъминлаш борасида зиммамизга беихтиёр зўр масъулият юклатганини жуда яхши англаб туришимиз, ҳозир Ўзбекистонда интизом ва тартибни таъминлаш, барча фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш чоралари қўрилиб катта. Бироқ кейинги вақтларда ваҳима тарқатишга, вазиятни беқарорлаштиришга, турли халқларнинг вакиллари орасида адоват чикаришга уринаётган кучлар бош кўтарётганлиги бизни қаттиқ ташвишга солмоқда. Бундай кучлар жумҳуриятда ҳам, марказда ҳам бор. Улар вазиятни атайлаб кескинлаштиришга уринмоқдалар, гўё рус тилида сўзлашувчи аҳоли чиқиштирилмапти ва Ўзбекистондан оммавий равишда кўчиб кетаяпти, деган гапларни зўр бериб такрорламоқдалар.

Афсуски, бу мавзу кейинги вақтларда баъзи оммавий ахборот воситаларининг саҳифаларидан тўшмапти. Қўчиб кетишга қўту сулувчи даъватлар юксак минобарлардан ҳам янграй бошлади. ССЖИ Олий Кенгаши, унинг Миллатлар Кенгаши эса бу масалаларга ўз фикрини очиб билдирмапти, аслида бу ҳоли бешаро кузатувчиларга айланган қўлипти. Биз бундай муносабатларга мутлақо қўшилиб олмаимиз. Далилларга мурожаат этайлик. Ўзбекистондан кўчиб кетаяётганларнинг қўнғилиғи рус миллатига мансуб кишилар эмас, балки Сталин қатгоғилари йилларида зўрлик билан юртимизга қўчириб келирилган қрим татарлар, немислар ва бошқа халқларнинг вакиллари. Уларнинг ўз она юртига қайтиб кетишлари — умидсизлик эмас, балки адолатнинг тантанасидан далолатдир. Улар она юртига қайтадиган кунларини бир умр ортиқчи кутган эдилар.

Фарғона фожияси содир бўлган 1989 йилда жумҳуриятдан 170 минг киши кўчиб кетди, шундан 24 мингга ўзбеклар бўлса, 17,5 мингга рус миллатига мансуб кишилар эди.

Гарчи ҳозирги серҳаракат дунёда аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга табиий эҳтиёжлар туғайли кўчиб бориши мумкинлигини англасак ҳам, ҳар ҳолда, минглаб одамларнинг иссиқ жойларини ташлаб кўчиб кетишлари бефарқ қарай олмаимиз, албатта. Айниқса, биз одамларнинг кўнрагига тушиб, ёлгон-ишқ гапларга ишониб, ифтихор учиб, миллатлараро адоват оқибатида кетиб қолишларига қайғиришми.

Тарих таъноси туғайли Ўзбекистон туб аҳоли билан бирга руслар, украинлар, белоруслар, татарлар, арманлар, озарбайжонлар ва бошқа миллат вакиллари билан бир неча асрдан буён ҳам она дийр бўлиб келаяпти. Улар дийримида инқилобдан аввалроқ макон тоғанлар. Яна айримлари биринчи беш йилликлар даврида, қолганлар эса — Улуғ Ватан уруши йилларида ўз тақдирларини Ўзбекистон билан ҳамбарчас боғлашди.

Биз кўп йиллар давомида бир оила фарзандларидек яшаб келдик ва яшаимиз, бор биситимизни уртала баҳам қураимиз. Халқларимиз дўстлигининг тарихи тоза. Умумий гўшамизга жанжал ва норозилик олиб келадиган гаплар қалбимизга ҳавотирлик солишининг босиси ҳам шунда. Биз ҳамжамиятлик, саҳийлик ва халқларимизнинг бошқа аjoyиб фазилатларини бутун ҳар қачонгидан ҳам аълороқ даражада кўз қорачингиздек асрамоқчимиз лозим. Ҳар бир хонадондаги ва умуман жумҳуриятдаги оёқ-йўлчилик биринчи гада шуларга боғлиқ.

Қадимий маданият ва аjoyиб анъаналар соҳиб бўлган ўзбек халқи Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларга бундан буён ҳам зўр ҳурмат билан қарашини биз қомил ишонч билан айтмиз. Дахшатли уруш йилларида жумҳуриятимиз минглаб кўчириб келирилганларини, шу жумладан, 200 минг етим болани ўз бағрига олганини, уларга оталарча ғамхўрлик ва оналарча меҳрибонлик қилганини эслаш қийин.

Биз Ўзбекистон бундан буён ҳам мамлакатимизнинг чинакам байналмилал жумҳурияти бўлиб қолишига аминимиз. Тошкентда эндиликка бўй берган оғир кунларда бутун мамлакат аҳли жумҳуриятимизга ердан берганини ва қайта тикланган — Тошкент — халқлар дўстлигининг рамзи бўлиб қолганини ҳам биз ҳеч қачон унутмаймиз.

Бу дўстлик ҳозирги тарихий синов кунларида биз учун аинқиса қадрийдир. Шу босондан ҳам биз қатъий қилиб айтмишми, миллатлараро муносабатларни кескинлаштиришга олиб борадиган миллатчилик ва шовинизмни авж олдириш йўлидаги ҳар қандай уринишлар ва гиж-гижлашлар қонуналикларининг бутун кучи ва шафқатсизлиғи билан даб қилинаёқандир.

Азиз ватандошлар! Ўзбеклар, руслар, украинлар, белоруслар, қорақалпоқлар, қозоқлар, тожиклар, туркманлар, қирғизлар ва Ўзбекистоннинг йигирма миллионлик аҳолисини ташкил этувчи барча биродарлар! Келинлар, халқларимизнинг бахт-саодати йўлида, Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажиги учун ўз сафарларимизни янада маҳкамроқ жипслаштирайлик ва куч-гайратларимизни бирлаштирайлик!

Саховатли дийримизда доимо оёқ-йўлчилик ва тинчлик бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ III СЕССИЯСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТЛАРИ ИТИФОКИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

УРТОҚ Ч. Т. АЙТМАТОВНИ ССЖИ ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Уртоқ Чингиз Тўрақулович Айтматов ССЖИнинг Люксембург буюк герцоглигидаги факультетда мухтор элчиси этиб таъинлангани муносабати билан ўз ССЖИ Президентлиги Кенгашининг аъзоси вазифасидан озод қилинсин.

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Итифокнинг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль, 1990 йил 2 ноябрь.



ССЖИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ МАЖЛИСИ

2 ноябрь куни Кремлда А. И. Лукьянов раислигида ССЖИ Олий Кенгаши Раёсатининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда ССЖИ халқ депутатларининг бўлажак туртинчи сьезидга тайёргарлик билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Сьездин

қақриш муддати ва унинг кун тартиби тўғрисидаги таклифлар муҳокама қилинди ва қўллаб-қувватланди. Бу таклифлар ССЖИ Олий Кенгаши кўриб чиқиши учун тақдим этилди.

Раёсат сьездага тайёргарлик юзасидан амалий ишларни ташкил этиш учун ко-

миссия тузди. Комиссия таркибига барча итифоддош жумҳуриятларнинг, Олий Кенгаш комитетлари ва палаталар доимий комиссияларининг, ССЖИ халқ депутатлари гуруҳларининг вакиллари кирди.

СУРАТДА: моҳир термичи Бўрихон Шакарва.

Ш. СУЛТОНОВ олган сурат.



Мажлисда депутатлар ахлок-одоб қоидалари ҳамда депутатлар ахлок-одоб нормалари масалалари комиссия тўғрисидаги низоми маъқулланди, мамлакат олий қонун чиқарувчи органи ишнинг бошқа айрим масалалари кўриб чиқилди.

(ТАСС).

ТОШКЕНТДА ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

Тошкент гарнизони қўшин-ларининг Улуғ Октябрь соҳийлик революцияси 73 йиллигига бағишланган парад қатнашчиларининг таяннали йиғилиши 3 ноябрь куни Тошкентда бўлиб ўтди.

Қизил Байроқ ордени Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал полковник И. В. Фуженко маъруза қилди.

Барча миллат ва элатларнинг жипслашувига мамлакатимиз олдида турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни ҳал этишда мутлақо вақфийгарови эканлиги йиғилишда таъкидлаб ўтилди.

Ҳарбий парад қатнашчилари парадда юксак машқ маҳорати ва кўп миллатли ҳарбий жамоаларнинг жипс-

лигини намойиш этиш учун бутун кучларини сарфлаб, ҳаракат қилишга ваъда берди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов нутқ сўзлади.

Парад иштирокчилари туркистончи жангчиларга мурожаатнома қабул қилди.

Шундан кейин Қизил Байроқ ордени Туркистон ҳарбий округи ашула ва раёс ансамблининг, Ўзбекистон санъат усталарининг байрам концерти бўли.

(ЎЗТАГ).

«Қишлоқ ҳақиқати»га обуна қандай борапти?

ИХЛОС

маданий-маиший хизмат қўлатиш тўғрисидаги мақолалар кўпроқ эритилса.

Мамура ҚОБУЛОВА, район халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари:

— Кўп йиллик кузатишларимдан аниқ, районимизда ўқитувчилар, боғча ва яслилар тарбиячилари ҳам «Қишлоқ ҳақиқати» рўнома қилишга обуна бўлишди. Бунинг ўзига хос сабаби бор, албатта. Уларнинг ҳаммаси нозу неъмат бунёдкорлари — пахтакорлар ва чорвадорлар билан ҳамнафас. Ўшлар кўсал — қулади, йилласа — йиғилади.

Ўқитувчи бола қалбини қандай забот этса, «Қишлоқ ҳақиқати» ҳам меҳнаткаш инсон кўнглига ўшандай қила олади. Негаки, у ўзини ўйлаштираётган саволларга рўнома саҳифаларида жавоб топади. Мен 1991 йилда «Қишлоқ ҳақиқати»да қишлоқ, унинг одамлари ҳақида, ўқитувчилар, тарбиячилар, ўқувчилар тўғрисида ҳикоя қилувчи лавҳа ва хабарлар тез-тез бериб борилишини, «Ота ва фарзанд», «Ўқитувчи ва ўқувчи», «Қишлоқ ва шаҳар» каби янги руқияларда қизикарли материаллар эритилишини хошлайман.

Бекмирза МАВЛОНОВ, Қўдаш алоқа бўлимининг бошлиғи:

— Ростини айтсам, рўнома ва ойналар баҳосининг кескин ошishi обуна масаласини қийинлаштирди. Лекин ким неча йиллик қадрдон, сўхбатдоши ва маслаҳатдоши айрилгиси келди, дейсиз? Чин ихлос, муҳаббат қадри ҳеч қачон пул билан ўлчамаган. Бунга мен ўз фалонтий мо-байнида ғувоҳ бўлайман. Ҳозирча бизнинг алоқа бўлимининг 40 киши «Қишлоқ ҳақиқати»га эзилди.

Сўхбатдаш: С. ҲАЙДАРОВ.

БИР УМРГА ОШНОДИР

1991 йил учун рўнома ва жаридларга обуна қийинчилик билан борапти. Бу кутилган ҳол. Ҳўжалик раҳбарияти, партия комитети муҳим ишга ўта масъул билан ёндашмоқда. Мамуният билан таъкидлайман, колхозчиларимиз орасида «Қишлоқ ҳақиқати»нинг сандонатли муштарийлари кўп. Улар сеvimли нашларига бирин-кетин эилишмоқда.

Пудрат шарофати туғайли пахтачилик жадал ривожланаяпти. Айниқса жорий йилдаги натижалар гоат қувонарли. Давлат ражадагидан 400 тонна кўп оқ олтин сотдик. Меҳнат унумдорлиги орти, маҳсулот таннархи арзонлашди. Заршуносларимиз мўмай даромад олдилар. К. Ҳуманов бошлиқ агроушастка деҳқонлари илгорлар тақрибаси, фан ютуқларини амалиётга қорий этиб, мусобақа пешқадам бўлишди. Йиллик режа 120 фоизга ардо этилди. Моддий манфаатдорлик таъминланганлиги заршунос қайфиятини кўтарди, унинг қайта қуришга бўлган ишончини мустаҳкамлади.

«Қишлоқ ҳақиқати» рўномаси бизнинг содиқ ёрдамчимиз, маслаҳатгўйимиздир. Унинг саҳифаларида босилган доллар ва мавзулардаги мақолалардан маънавий озик оламиз. Мута-

хассислар маслаҳатлари, пудратнинг тарбиявий ва иқтисодий афзалликлари, илгорлар тақрибаси, қишлоқ ҳаёти муаммолари ва бошқа мавзулардаги таъсирчан қишлоқ деҳқонга маъқул ва манзур бўлмоқда. Одамлар билан таъкидлайман, колхозчиларимиз орасида «Қишлоқ ҳақиқати»нинг сандонатли муштарийлари кўп. Улар сеvimли нашларига бирин-кетин эилишмоқда.

Ҳўжалик раҳбарияти обуна ишларини жонлантириш мақсадида қўшимча имкониятларни ишга солмоқда. Меҳнат мўйсифидилари, байналмилал жангчилар. Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига моддий рағбатлантириш фондига муҳим иш учун маблағ ажратилди. Табаррук кишиларимиздан Х. Қурбон, А. Матқубов, З. Болтабоева, Д. Телегенов ва бошқалар янги йилдан яна «Қишлоқ ҳақиқати»ни оладилар.

Ж. РАЖАВОВ, Ҳўжайли районидagi Энгельс номида жамоа хўжалик бошқаруви раиси.



1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12